O'ZBEKISTON
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 21 август, № 165 (4828) Жума


**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 20 август

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Муҳим сана — Тошкент шаҳрига асос солинганининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Тошкент Ўзбекистон халқи ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Қадим ўрта асрларда ҳам, янги даврда ҳам мазкур шаҳар ўзининг Ўзбекистон тарихида тутган муҳим ўрнини белгилаб берган юксак ҳаётий кўтаринкилик руҳи, ватанпарварлик ва қадр-қимматни намоён этиб, ҳамиша ўзига хос фазилатини сақлаб келган.

Ҳозирги даврда Тошкент юртингизнинг жадал ривожи, тараққиёти, гуллаб-яшнаши ҳамда келажак сари интилишини ўзида гавдалантирган Ўзбекистон мустақиллиги ва қайта тикланган давлатчилиги рамзига айланди. Бугун Тошкент Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё халқлари маънавий ва моддий меросига улкан ҳисса қўшаётган ўз ишининг моҳир усталари бўлмиш олимлар, адабиётшунослар, рассомлар, бастакорлар меҳнат қилаётган Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳаёти марказидир.

Тошкент кенг кўламли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам катта роль ўйнамоқда. Ўзбекистон пойтахтида минтақа ва унинг сарҳадларидан ташқарида кечаётган сиёсий жараёнларнинг боришига, мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч алоқаларининг йўлга қўйилишига ижобий жиҳатдан таъсир этувчи йирик халқаро форумлар ўтказиб борилади.

Кўҳна Тошкент ҳақли равишда мангу навқирон шаҳар ҳам деб аталади. Ўзбекистон пойтахти қиёфаси замонавийлик ва шаҳарсозликнинг бой миллий анъаналари уйғунлашувининг ажойиб намунасини намоён этиб, кун сайин чирой очиб бормоқда. Тошкентда амалга оширилаётган ўзгаришларда, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шахсан Сизнинг хизматингиз беқиёсдир. Айнан Сизнинг ташаббусингиз ва раҳбарлигингизда Ўзбекистон пойтахтида кенг кўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, янги маъмурий бинолар, маданий ва илмий марказлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари қад ростламоқда.

Ҳар гал Тошкентда бўлганимда, унинг аҳолиси Туркманистонга, халқимизга нисбатан нечоғли ҳурмат ва меҳр билан муносабат билдиришига амин бўламан. Мен бунда, икки халқ ва давлатни бир-бирига боғлаб турувчи қардошлик ришталарининг узлуксиз мустаҳкамланишидек яна бир муҳим омилни кўраман.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, бахт ва равнақ тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Қирғизистонда қардош Ўзбекистоннинг жадал суръатлардаги тараққиёти ва ютуқлари катта қизиқиш билан кузатиб борилади. Мамлакат раҳбариятининг оқилона ва узоқни кўзлаб юритилган сиёсати боис Ўзбекистон мустақиллик йиллари даврида ўз ривожланиш моделини изчиллик билан амалга ошириб, комплекс сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар йўлида олға бориб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

Асрлар мобайнида тинчлик ва тотувликда ҳаёт кечирган халқларимиз ўртасидаги вақт синовидан ўтган анъанавий дўстона қўшничилик муносабатлари Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида абадий дўстлик Шартномаси руҳида келгусида ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчиллик билан янада ривожлантириш муҳимлигини белгилаб берди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, ва қардош ўзбек халқини ҳақли равишда нафақат Марказий Осиё, балки умуман, бутун дунёнинг гўзал шаҳарларидан бири бўлган, ўтмишдаги тарихий-маданий меросни ва замонавий Ўзбекистон ютуқларини ўзида жонли ҳолда уйғунлаштирган Тошкентнинг 2200 йиллик байрами билан муборакбод этиб қоламан.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 34-сессиясида қўллаб-қувватланган ҳамда яқин кунларда нишонланажак Тошкент шаҳри юбилейи Тошкентнинг тарихий ва меъморий меросини, Ўзбекистон пойтахти учун хос бўлган миллий колоритни бутун жаҳон ҳамжамиятига намойиш қилиш имконини берувчи муҳим миллий ва халқаро воқеа бўлишига аминман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Энг эзгу тилаклар билан,

**Курманбек БАКИЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

Тошкент вилояти:

## САЛОҲИЯТИ ЮКСАК, ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ




*Агар таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонни жаннатий чаманга, унинг пойтахти Тошкент шаҳрини юрт юрагига, улуғ ўзбек халқининг ёғдусига қиёс қилсак, вилоятларимизни Ватан теграсидаги пурвиқор тоғларга, баҳодирларга қиёс қилиш мумкин. Чунки ўн икки вилоят, қардош Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бири ўз улуғлиги, ўз қадимийлиги, ўз салоҳияти билан ажралиб туради.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзининг улкан имконияти — ер ости ва ер усти бойликлари, қудратли ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма ва коммуникациялари, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳамиша йилнинг уч фаслини эслатиб турувчи бетакрор иқлими, гўзал табиати, энг муҳими, заҳматкаш ва мард халқи билан қадр топган пойтахт вилоят — Тошкент воҳаси улар орасида алоҳида ўринга эга.

Вилоятнинг бугуни ҳақида фахру ифтихор билан гапирар эканмиз, ўтган йилнинг 16 декабрида Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳтарам Президентимизнинг вилоят иқтисодиётида муҳим тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликдаги аҳвол ҳақида билдирган танқидий фикрлари вилоятимизнинг меҳнаткаш, мард ва омилкор деҳқонлари учун дастуриламал бўлганини, бутун вилоят аҳли якдил бўлиб, танқиддан тўғри хулоса чиқарганини айтиб ўтиш жоиз.

Агар Тошкент вилояти ғаллакорлари ўтган йили ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олишган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 53,1 центнерданни ташкил этди. Миришкор фермерлар ялпи ҳосилни 677 минг тоннадан ошириб, давлатга 333 минг тоннадан зиёд ғалла топширдилар. Барча турдаги хўжаликлар томонидан 580,6 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил этди.

Пскент туманидаги "Мирзатиллаев Худоёр" фермер хўжалигининг дала шийпонига бордик. Рости, бу ерда бўлсангиз, шийпондаги шароит, орасталик, гулзорлар, оқар сувлар устига қўйилган сўрилар, сувда айланаётган чархпалак, бу йилги буғдой унига шу ернинг ўзида ёпилган иссиқ нон, бир маҳал нонушта, икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланаётган фермер хўжалиги аъзоларининг хуш кайфиятини кўриб, сизнинг ҳам кўнглингиз яйрайди.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



**20 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари томонидан қўшма аксилтеррор машқларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси У. Исмоилов маъруза қилди. Давлатлараро ҳужжат ШҲТга аъзо мамлакатларнинг террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, у тарафларнинг машқларда қатнашиши, шу соҳадаги биргаликдаги фаолият билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

Қонун лойиҳасини батафсил муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқишди. Депутатлар имзоланган Битим Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид эмаслиги ва уларга ўзгартишлар киритишни назарда тутмаслиги устида тўхталдилар. Шунингдек, Ўзбекистон бу давлатлараро ҳужжатни ШҲТга аъзо мамлакатларнинг қўшма аксилтеррор машқларида кузатувчи сифатида иштирок этиш шарти билан имзолаганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси У. Исмоилов тақдим этди. Битим ШҲТга аъзо давлатларнинг қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш ва очиш борасида ўз давлатларининг қонун ҳужжатларига ҳамда халқаро шартномаларга риоя этган ҳолда шерикчилик қилишларини назарда тутади.

Савол-жавоблардан сўнг бўлиб ўтган батафсил муҳокама чоғида давлатлараро Битимни ратификация қилиш миллий ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имконини бериши таъкидланди.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар ва у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М. Маҳаметова «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳаси жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш зарурлиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда бундай

(Давоми 2-бетда).

## БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллиги бўйича ижроси якунлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Унда қайд этилганидек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2009 йил биринчи ярим йиллигида Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини изчил амалга ошириш, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган ҳужжатлар ижроси таъминланиши натижасида иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришилди. Бу давр ичида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 фоизга ошди.

Саноатнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эвазига ушбу соҳадаги ўсиш 9,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткич эса 4,6 фоизга тенг бўлди. Ярим йиллик даврда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,1 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 17,7 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 18,5 фоизга ўсганлиги ички эҳтиёжни қондиришнинг асосий омилларидан бири бўлди. Экспорт ҳажми ўсиб, савдо балансида қарийб 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдо таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

### Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан

**Маълумотларга кўра, ўтган йили ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида республикамизда 11797 та ёнғин ўз вақтида бартараф этилди. Энг муҳими, юзлаб кишиларнинг ҳаёти, 87 миллиард сўмликдан зиёд бинолар, 52 миллиард сўмдан ортиқ моддий бойликлар сақлаб қолинди. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши мўлжалланаётган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай самарали фаолият кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланмоқда.**

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мухбиримизнинг Сенат Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ботир Абдураимов билан суҳбати ҳам айни шу Қонун хусусида бўлди.

— "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, бу борадаги махсус ваколатли орган, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари, шунингдек, ташкилотлар ва фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.

Ушбу ҳужжатда Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати айнан шу соҳадаги махсус ваколатли орган этиб белгиланаётир. Табиийки, унинг зиммасига ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш, ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ёнғинни ўчириш техникаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш вазифалари юкланган. Бундан ташқари, барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинни ўчиришга шайлик ҳолати, ёнғиннинг олдини олишга доир ишларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш мажбуриятлари ҳам белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни ва истиқлол йилларида чинакам тикланиш даврини бошдан кечирган серқуёш Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрига асос солинганининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимиз халқлари манфаати йўлида янада муваффақиятли ривожланиши ва мустаҳкамланишига аминман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақият, қардош ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Виктор ЮШЕНКО,**
**Украина Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ўз самимий дил изҳоримни билдиришга ижозат бергайсиз. Жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифим чоғида мен Тошкентни кўриш имкониятига ҳам эга бўлдим. Шаҳар кўчаларида сайр этиб, кўҳна тарих нафасини ҳис этдим. Шу маънода, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти (ISESCO) 2007 йилда Тошкентни Ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилгани бежиз эмасдир.

Менда Тошкентнинг тарихигина эмас, балки унинг инсонни ҳайратга солувчи кўҳна ўтмишни замонавийлик ва тараққиёт билан уйғунлаштира олгани чуқур таассурот қолдирди.

Ташрифим чоғида, мен Сингапур Менежментни ривожлантириш институти (MDIS)нинг Тошкентдаги филиалида ҳам бўлиб, бу ерда илмга чанқоқ, серғайрат, ёш ва келажаги порлоқ талай ўзбек ёшларини учратдим. Тошкентнинг вақт синовига бардош бера олиши ўзбек халқи руҳияти кучлилиги, шижоати ва меҳнатсеварлиги ҳамда ушбу фазилатларнинг порлоқ келажак барпо этиш йўлидаги тўсиқларни енга оладиган қатъият билан муштараклигида экани шубҳасиздир.

Сизнинг "Биз эртанги кунимизни яратишда миллатимизнинг тарихий меросига таянамиз", деган доно фикрингизга амал қилган ҳолда, мен Тошкент шаҳри ўз тарихини барпо этиши ҳамда Ўзбекистон ривожи ва равнақида муҳим ўрин тутишда давом этишига ишонаман. Ўзининг 2200 йиллик юбилейини нишонлар экан, Тошкент шаҳри, дарҳақиқат, "Шарқнинг кўҳна ва замонавий дарвозаси" бўлиб қолади.

**Абдулла ТАРМУҒИЙ,**
**Сингапур парламенти Спикери.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Жаноб Президент!

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий табрик ва тилакларимни қабул этгайсиз.

Ўзбекистон пойтахти бепоён Осиё қитъасининг умумэътироф этилган фан, маданият ва таълим марказларидандир. Тошкентнинг бугунги меъморий қиёфаси ўзида замонавий шаҳарсозлик ва бетакрор шарқ бинокорлигини уйғунлаштиргани билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳар юбилейи ЮНЕСКО доирасида байрам қилиниши, унинг инсоният тамаддуни ривожида тутган аҳамияти ва ўрнининг яна бир тасдиғидир.

Бугун Ўзбекистоннинг бош шаҳри давлатдаги жадал тараққиёт тимсоли бўлиб, моҳиятан, Мустақиллик йилларида мамлакат ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар инъикосидир.

Тошкентда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари осойишталик ва ҳамжиҳатликда яшамоқда. Шаҳар турли дин вакилларининг тинч-тотувликда ҳаёт кечиришининг ўзига хос бир андозасига айланди.

Ўзбекистон яҳудий халқи тарихида муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат ҳудудида асрлар давомида бухоролик яҳудийларнинг ўзига хос этник ва маданий жамоаси шаклланди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари 250 мингдан зиёд яҳудийлар бу ерда бошпана топди. Ҳозирда кўплаб Исроил фуқаролари тақдири Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент билан чамбарчас боғланган. Бу инсонлар, жуғрофий жиҳатдан олисда эканликларига қарамай, ўзларини ушбу шодиёнага дахлдор, деб билади ва ўзбекистонликлар қувончига шерикдирлар.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳрининг янада гуллаб-яшнашига тилакдош эканимни билдирмоқчиман.

Жаноби Олийлари, менинг юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Стас МИСЕЖНИКОВ,**
**Исроил туризм вазири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизнинг мамлакатингиз жорий йилда икки муҳим юбилей сана — 1 сентябрь — Мустақилликнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонламоқда. Сиз ва мамлакатингизни мазкур икки байрам билан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликни қўлга киритган дамлардаёқ мамлакатни модернизациялаш йўлида сезиларли ютуқларга эришди. Ўзбекистон билан Германия ўзаро ишончга асосланган муносабатларни йўлга қўйган ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Термиз шаҳрида Бундесвер учун транспорт базасини ажратиб бериб, мамлакатингиз халқаро терроризмга қарши курашишда ва Афғонистонда тинчликни қарор топтиришда муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

2002 йилда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифим ва Сиз билан ўтган самарали мулоқотларни мамнуният билан ёдга оламан. Мен ўша кезда Тошкентнинг гўзаллигидан ғоят ҳайратда қолганман. Шаҳарнинг 2200 йиллик юбилейи ЮНЕСКО шафелигида байрам қилинаётгани мен учун қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг пойтахти фуқароларига муваффақиятли ва байрамона хурсандчилик кунларини тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Герхард ШРЕДЕР,**
**Германиянинг собиқ Федерал канцлери.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Сизга ва барча қадрдон юртдошларимизга азиз Ватанимиз бўлмиш жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолининг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан самимий табрикларимиз ва энг эзгу тилакларимизни изҳор этишдан бениҳоя мамнунлигимизни билдирамиз.

Мустақиллик йиллари давомида Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида ҳамда хайрли ташаббусларингиз билан мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровлиислоҳотлар ва ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари, миллий меросимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаш ҳамда авайлаб-асраш йўлидаги саъй-ҳаракатлар нафақат биз ватандошлар, балки бутун дунё ҳамжамиятининг эътиборида ва эътирофида бўлиб келмоқда.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва ўрнини мустаҳкамлаш, халқимиз равнақи ва фаровонлигини янада юксалтириш, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасидаги фидокорона меҳнатларингиз юксак баҳо ва таҳсинга сазовор бўлиб, тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар ила битилажак.

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари,

Мустақиллик байрами билан бир қаторда, азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйининг кенг нишонланиши бизларда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Азалдан илм-фан ва маданият маркази бўлган ва ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" номини олган Тошкентнинг юбилейи халқимизнинг бой меросини дунёга танитиш ва янада кенг тарғиб қилишда яхши имконият яратади.

Ушбу тантаналарнинг ўтказилиши қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкентнинг ислом маданияти равнақига қўшган беназир ҳиссаси ва жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги муҳим ўрнининг олий эътирофи, деб ҳисоблаймиз.

Муҳтарам Президент!

Сизга яна бир бор самимий табрикларимизни йўллар эканмиз, озод Ватанимизнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлиги ва бахту саодати йўлида олиб бораётган ишларингизда Қодир Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлишини сўраб қоламиз.

Эҳтиром ила,

Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ўзбек ватандошлари номидан

**Сафохон Жалолхон Тўра МАРҒИЛОНИЙ,**
**Мелибек Исҳоқбек ТОШКАНДИЙ,**
**Мўминжон АНДИЖОНИЙ,**
**Олимжон Исмоилжон АНДИЖОНИЙ,**
**Муҳаммад Амин МУҚИМ,**
**Абдулазим ТОШКАНДИЙ,**
**Муҳаммад Умар ТОШКАНДИЙ,**
**Раҳматуллоҳ ТЎЛАН ҚОРИ,**
**Усама Муҳаммадамин ТОШКАНДИЙ.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шимолий Америка қитъасидаги 50 минглик Бухоро яҳудийлари жамоаси номидан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллик байрами муносабати билан самимий табрикларни қабул этгайсиз.

Айнан шу кунларда кўҳна ва айни пайтда, мустақиллик йилларида Сизнинг раҳбарлигингизда тубдан янгиланган навқирон Тошкентга асос солинганининг 2200 йиллиги нишонланаётгани теран рамзий маъно касб этади.

Бу АҚШ ва Канадада яшовчи барча ватандошлар учун жуда улкан ва қувончли байрамдир.

Ўзбекистон барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш чораларини ишлаб чиққани, кенг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурини амалга ошираётгани, янги жамият учун мустаҳкам пойдевор яратаётгани бизни қувонтиради.

АҚШдаги Бухоро яҳудийлари Ўзбекистон — Америка маданий ва гуманитар алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилайман!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз!

**Борис КАНДОВ,**
**АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари Конгресси Президенти.**



# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонунга кўра, эндиликда махсус ваколатли орган ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади. У давлат ёнғин назоратини, ёнғинга қарши тарғиботни амалга оширади, ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилотлар, бинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқади.

**— Қонунда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, умуман, бундай тадбирларни ташкиллаштириш масаласи қандай ҳал этилмоқда?**

— Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи 3-бобда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Қонуннинг "Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш" деб номланган 12-моддасига биноан, ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилади. Шунингдек, ҳуқуқий мажмуада давлат ва хусусий уй-жой фондларининг тураржойлари ҳамда бошқа биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар бу мулкий ижара шартномасида кўрсатилган бўлса, мулкдорлар ёки ижарага олувчилар зиммасига юклатилиши ҳақидаги қоида белгиланмоқда.

Айни пайтда, аҳоли пунктларини ривожлантиришни режалаштириш ҳамда уларда иморат қуриш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чоғида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тегишинча шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат қурувчилар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилмоқда.

Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари соҳадаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, ёнғинга қарши курашиш тажрибаси моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилади.

**— Яъни?**

— Бунда моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) мазкур моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг ёнғин хавфсизлиги кўрсаткичларини, улардан фойдаланишда қўлланиладиган ёнғин хавфлилиги чора-тадбирларини тегишли техник ҳужжатларда кўрсатишлари талаб этилади.

**— Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?**

— Қонуннинг 4-бобида ёнғиндан сақлаш хизмати ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилган. Жумладан, унинг вазифалари сифатида ёнғиннинг олдини олишни ташкил этиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, ёнғинни ўчириш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкини қутқариш белгиланган. Ёнғиндан сақлаш хизмати кучлари ва воситалари эса ёнғин профилактикаси ҳамда ёнғинни ўчириш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга жалб қилинмайди.

**— Маълум бўлишича, ёнғиндан сақлаш хизмати давлат, идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматларига бўлинар экан. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати дейилганда нима тушунилади?**

— Бундай хизмат фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ташкилотларда, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини таъминлаш, ёнғинни ўчиришда иштирок этишининг бир шаклидир. Улар муайян бир гуруҳ тарзида ташкил этилади ҳамда тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимига киради.

Умуман, "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Шу билан бирга, ёнғин ҳамда унинг оқибатларини ҳисобга олиш, халқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш тизимини янада яхшилаш учун хизмат қилади. Ана шу нуқтаи назардан айтганда, ушбу ҳужжат ёнғиндан хавфсизлигимизнинг ишончли кафолати бўла олади.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

аризалар уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун далилнинг қонунийлиги ва асосларнинг етарлилигини текшириш зарур бўлганда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, ишнинг холис ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун бу вақт етарли эмас, шунинг учун ҳам бу муддатни узайтириш таклиф этилди.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақиқатни холисона аниқлаш, жазонинг қонунийлиги ва муқаррарлиги принципларини ҳамма жойда амалга оширишга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашишини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди ва у ҳам маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Жумаевнинг маърузаси юзасидан депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Зарафшон шаҳрининг чегарасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасини кўриб чиқдилар. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси илова қилинган тавсифга ва график чизмага биноан, Зарафшон шаҳрининг чегарасини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**(ЎзА).**

# Бюджет ижросига бағишланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 32,7 фоизга ошди. Аҳолининг реал даромадлари 25,9 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган параметрлар доирасида сақлаб қолинди.

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳисобига Давлат бюджетининг даромадлари 100,8 фоизга бажарилди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди.

Шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг 54 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Хусусан, таълим соҳаси муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатларига ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 58 фоизи йўналтирилди.

Бундан ташқари, йиғилишда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш, иқтисодиёт реал секторини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар бажарилганлиги, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатлар ҳам ўз вақтида ажратиб берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда ўтган ярим йиллик даврда айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланганлиги, бюджет интизомига риоя этилмаганлиги, маблағлардан ноқонуний фойдаланилганлиги каби молиявий тартиббузарликлар ҳали ҳам мавжудлиги, баъзи тармоқларда тўлов интизоми заифлиги, боқиманда қарздорликнинг даражаси юқорилигича сақланиб қолаётганлиги, бир қатор соҳаларда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ва "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларининг тўлиқ бажарилишига эътибор сусайганлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўжаликнинг 154 гектар ер майдони мавжуд. Тўрт йилдан буён пахта ва ғалла бўйича тузилган шартнома мажбуриятлари ошириб бажарилади. Фермер хўжалиги раҳбари Худоёр Мирзатиллаев 105 миллион сўм сарф қилиб, замонавий дала шийпони бунёд этибди. У ердан унумли фойдаланади. Ғалладан бўшаган майдонларга картошка, қовун-тарвуз, сабзавотлар экилиб, мўл ҳосил олинаяпти. Фермер хўжалигида 45 киши меҳнат қилади.

— Битта ўғлим бор, — дейди Худоёр ака. — Шоҳруҳ олий ўқув юртининг биринчи курсини тугатди. Ёзги таътилни ёнимизда, далада ўтказаяпти. Битта от-арава олиб бердим. Меҳнатсевар, тиним билмайди, бир сўз билан айтганда, от ўрнини той босмоқда.



## Тошкент вилояти:
# САЛОҲИЯТИ ЮКСАК, ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Фермер Худоёр Мирзатиллаевнинг орзулари бисёр. Касби инженер-иқтисодчи бўлган бу инсон давр тақозоси билан бугун билимдон фермерга айланди.

— Барча орзуларимга қанот берган, дилга ишонч солган мустақиллигимизга, унинг бош меъмори Юртбошимизга ташаккур! Президентимиз фермерларнинг қаддини тик қилиб қўйдилар.

Биз шу дала шийпонида пскентлик яна бир фермер Мирвосит Мирмаҳмудов билан ҳам суҳбат қурдик. "Қосимов Маҳмуд" фермер хўжалигини бошқараётган бу инсонга 103,1 гектар ер бириктирилган. Ғалланинг ҳар гектаридан 75 центнердан ҳосил олиниб, шартномада белгиланган 175 тонна ўрнига давлат қабул пунктларига 201 тонна сара дон сотилди.

Фермер хўжалигида 48 киши меҳнат қилади. Уларнинг 8 нафари техника бошқаради. Ер ҳайдайдиган, ишлов берадиган замонавий тракторлар, юк машиналари мавжуд. Фермер ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланади. Экин турига халақит қилмайдиган ерларга, уватларга 4,5 минг туп терак экилган. 300 туп мевали дарахтлар ҳосилга кирган. Хўжаликда 7 та соғин сигир бор. Ишчиларга дала шийпонида икки маҳал иссиқ овқат пиширилади. "Микрокредитбанк" ходимлари ойлик маошни дала бошида тарқатишяпти. Хуллас, меҳнат кишиси учун зарур шарт-шароит яратилган жойда ишда барака бўлади.

Элда "Ота касби", "Ота касбини ардоқлаган", "Ота дуосини олган", деган иборалар тилга олинади. Аслида ҳам шундай. Пскентликлар Мирмаҳмуд ота Қосимовни яхши билишар ва эъзозлашарди. Чунки ота бутун умр далада меҳнат қилди.

Бир куни ўрта мактабни битириб, турли орзулар қанотида учиб юрган кенжа ўғилни ҳузурига чорлади.

— Ким бўлмоқчисан?

— Рухсат берсангиз, учувчи бўлсам...

— Энди болам, ака-опаларинг бошқа-бошқа соҳаларда мутахассис бўлиб ишлашяпти. Уларнинг тинчини бузмасам дейман. Мен ва сизларнинг киндик қонингиз шу тупроққа тўкилди. Тупроқ бизга ризқ берди. Меҳнатдан ҳурмат-эътибор топдим. Сенлардан бировинг менинг касбимни давом эттирсанг деғандим, болам?!

Мирвосит ота измига юрди. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ҳужжат топширди. Ўқиб, отаси учун қадрдон бўлган хўжаликка қайтди. Аввал оддий агроном, кейин бош агроном бўлди. Ҳокимият тизимида бўлимга раҳбарлик қилди. 2003 йилдан эса "Қосимов Маҳмуд" фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишламоқда.

— Ўтган йили муҳтарам Президентимиз фермер хўжалигимиз дала шийпонига келдилар, — дейди Мирвосит фахр билан. — Юртбошимиз туман фермерлари билан дилдан суҳбат қурдилар. Қимматли маслаҳатларини бердилар. Шахсан мен билан суҳбатда ҳозирги замон фермери ўқимишли, журъатли бўлиши кераклигини, олимлар соҳа мутахассислари билан бамаслаҳат иш юритиб, янги навларни излаб топиши кераклигини айтдилар. Юртбошимиз маслаҳатларига амал қилиб, ғалланинг "Замин" навини, чигитнинг эса Тошкент вилоятида илк бор синовдан ўтаётган "Султон" номли навини экдик. Ушбу навнинг муаллифи Шодмон Намозов билан мунтазам мулоқотда бўлиб турдик. Ғўзалар авжи ривожда, 40 центнердан ошириб ҳосил олиш ниятимиз бор. Шуни мамнуният билан айтаманки, ер майдонларининг оптималлаштирилгани республикамиз фермерларининг бугунги муваффақият омилларидан бири бўлди. Энди катта ер майдонларига эга бўлган фермерлар ўзлари хоҳлаган қишлоқ хўжалиги техникаларини, маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий ускуналарни сотиб олиш имкониятига эга бўляптилар.

Чорва — етти хазинанинг бири. Шу боис ота-боболаримиз бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келишган. Мустақиллигимиз бу соҳа ривожи учун ҳам кенг имконият яратиб берди.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги наслчиликка ихтисослашган "Тано" хусусий фирмасида бўлган киши бунинг гувоҳи бўлади. Бундан уч йил муқаддам Голландиядан келтирилган 260 бош соғин сигирнинг олди бугун 40-41 литрдан сут беряпти. Энг муҳими, бу сигирлардан олинаётган сутнинг ёғлилик даражаси юқори. Гап шундаки, бундай наслчиликка асосланган чорвачилик фермалари вилоятда кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам 2009 йилнинг биринчи ярмида вилоятда 4 та сутни ва 4 та гўштни қайта ишлайдиган цехлар қуриб, ишга туширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Тошкент вилояти Ўзбекистонимизда энг саноати ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Вилоят республика саноат маҳсулотининг 17,2 фоизини, электр энергиясининг 36,4 фоизини, кўмирнинг 97,4 фоизини, цементнинг 40,3 фоизини, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизини, рангли металларнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда. Хусусан, саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизга ўсди.

Ҳар йили вилоятда замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб янги иншоотлар ишга туширилмоқда. Вилоятда туғилиб, камол топиб, ўқиб-ўрганиб, дунё кўрган ёш ишбилармонлар хайрли ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Рустам Носиров тадбиркорликни оддий полиэтилен плёнка ишлаб чиқаришдан бошлаган эди. Кейин республикада биринчи бўлиб газланган сувлар, салқин ичимликлар учун турли хилдаги идишлар ишлаб чиқаришга киришди. Бугун унинг раҳбарлигида Янгийўл туманида қурилган, ХФ "Пластекс" ип-йигирув фабрикаси ишлаб турибди.

Фабрикада уч сменада иш олиб бориш учун барча имкониятлар мавжуд. Бугун 150 киши меҳнат қилаётган бу даргоҳ тўлиқ ишга тушса, 300 киши иш билан таъминланади. Фабрикада 5300 тонна пахта қайта ишланади. Биринчи цехдан чиққан чиқинди пахта янги қурилаётган иккинчи цехда тўлиқ қайта ишланади. Бу цехда ҳам 4300 тонна пахта сифатли матога айланади. Калава иплар ҳам, матолар ҳам юз фоиз экспорт қилинади. Фабриканинг ўз сув ҳавзаси, электростанцияси, иситиш, тозалаш тизимлари, бир йилга етадиган пахта маҳсулотини сақлаш учун омборхонаси бор. Энг муҳими, бугун "Пластекс"дан чиқаётган калава ипга Туркия, Германия, Италия, Греция саноатчилари харидор бўлишяпти.

Эндиликда нафақат шаҳарлар, туманларнинг марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам кўзларга қувонч бағишлаб турган замонавий кўркам иморатлар, обод, чиройли йўллар, маиший хизмат марказлари юз очаяпти. Мустақиллигимиз гувалакдан иморат тиклаш замонларини тарихга айлантирди. Қишлоқларимизда ҳам пишиқ ғиштлардан мана шундай ораста иморатлар қуриш ташаббускори давлатимиз раҳбарининг ўзлари бўлди. Ушбу хайрли ишларнинг маҳсули сифатида биринчи ярим йилликда Тошкент вилояти қишлоқларида 160195 кв.метр замонавий уй-жойлар бунёд этилди. Янги ўнлаб ғишт заводлари қурилмоқда.

Дилида илму ҳикмати нурланиб турган инсоннинг йўли ҳамиша ёруғ. Шу жиҳатдан ёш авлодни соғлом, маърифатли, ватанпарвар қилиб камолга етказиш учун давлатимиз томонидан мислсиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Вилоятда 1 сентябрда ишга тушиши кўзда тутилаётган 93 та мактаб, 23 та касб-ҳунар коллежи, 12 та болалар спорт мажмуалари ана шу ғамхўрликнинг ёрқин тимсолидир.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулайлик натижасида ушбу йилнинг биринчи ярмида 263 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди ёки дастурда кўрсатилган режа икки баробар ортиғи билан бажарилди.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги шодиёналари яқинлашаётган қутлуғ кунларда шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, 80 дан зиёд миллат-элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётган, 2,5 миллиондан кўп аҳолиси бўлган Тошкент вилояти меҳнаткашлари вилоятнинг шуҳратини тиклаш борасида якдиллик, фидойилик билан тер тўкмоқдалар. Яхши ниятга ҳалол меҳнат эш бўлган жойда кутилган мақсадлар рўёбга чиқаверади.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1591 | 5 000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | "Заркент" минибанки | ИР-180 |
| 1592 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-9 |
| 1593 | 5 000 | Тошкент шаҳри | Мирзо Улуғбек филиали | Амалиёт бўлими | ИР-56 |
| 1594 | 5 000 | Жиззах вилояти | Мирзачўл филиали | 20-шохобча | ИР-131 |
| 1595 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | ИР-472 |
| 1596 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-299 |
| 1597 | 5 000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | ИР-30 |
| 1598 | 5 000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 027-шохобча | ИР-3 |
| 1599 | 5 000 | Андижон вилояти | Избоскан филиали | 10-шохобча | ИР-384 |
| 1600 | 5 000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | 09-шохобча | ИР-4 |
| 1601 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 045-шохобча | ИР-31 |
| 1602 | 5 000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-376 |
| 1603 | 5 000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 028-шохобча | ИР-335 |
| 1604 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 02-сайёр касса | ИР-19 |
| 1605 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 011-шохобча | ИР-30 |
| 1606 | 5 000 | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | 05-шохобча | ИР-12 |
| 1607 | 5 000 | Жиззах вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-108 |
| 1608 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | ИР-248 |
| 1609 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-68 |
| 1610 | 5 000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-272 |
| 1611 | 5 000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | "Озод" минибанки | ИР-223 |
| 1612 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-сайёр касса | ИР-320 |
| 1613 | 5 000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 044-шохобча | ИР-64 |
| 1614 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 010-шохобча | ИР-11 |
| 1615 | 5 000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-151 |
| 1616 | 5 000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 01-шохобча | ИР-20 |
| 1617 | 5 000 | Андижон вилояти | Қуйиганёр филиали | 058-шохобча | ИР-74 |
| 1618 | 5 000 | Наманган вилояти | Поп филиали | "Санг" минибанки | ИР-3 |
| 1619 | 5 000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 023-шохобча | ИР-51 |
| 1620 | 5 000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-1630 |
| 1621 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | ИР-16 |
| 1622 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 02-шохобча | ИР-8 |
| 1623 | 5 000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-45 |
| 1624 | 5 000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 01-шохобча | ИР-1609 |
| 1625 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-сайёр касса | ИР-93 |
| 1626 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-38 |
| 1627 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 037-шохобча | ИР-14 |
| 1628 | 5 000 | Жиззах вилояти | Дўстлик филиали | Амалиёт бўлими | ИР-81 |
| 1629 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | "Сурхон" минибанки | ИР-122 |
| 1630 | 5 000 | Андижон вилояти | Булоқбоши филиали | 02-сайёр касса | ИР-40 |
| 1631 | 5 000 | Навоий вилояти | Нурота филиали | 011-шохобча | ИР-67 |
| 1632 | 5 000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 02-шохобча | ИР-23 |
| 1633 | 5 000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-1405 |
| 1634 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 025-шохобча | ИР-7 |
| 1635 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 034-шохобча | ИР-2 |
| 1636 | 5 000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | ИР-97 |
| 1637 | 5 000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 01-шохобча | ИР-597 |
| 1638 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 03-сайёр касса | ИР-258 |
| 1639 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-169 |
| 1640 | 5 000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-3 |
| 1641 | 5 000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 03-шохобча | ИР-291 |
| 1642 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-918 |
| 1643 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 06-шохобча | ИР-5 |
| 1644 | 5 000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 09-шохобча | ИР-6 |
| 1645 | 5 000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 07-шохобча | ИР-17 |
| 1646 | 5 000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-624 |
| 1647 | 5 000 | Сирдарё вилояти | Оқолтин филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1199 |
| 1648 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | ИР-74 |
| 1649 | 5 000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-539 |
| 1650 | 5 000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 060-шохобча | ИР-83 |
| 1651 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 03-сайёр касса | ИР-33 |
| 1652 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | "Мирбозор" минибанки | ИР-41 |
| 1653 | 5 000 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бўлими | 0331-шохобча | ИР-37 |
| 1654 | 5 000 | Жиззах вилояти | Мирзачўл филиали | 17-шохобча | ИР-139 |
| 1655 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | ИР-410 |
| 1656 | 5 000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 010-махсус касса | ИР-7 |
| 1657 | 5 000 | Фарғона вилояти | Боғдод филиали | 021-шохобча | ИР-7 |
| 1658 | 5 000 | Андижон вилояти | Избоскан филиали | 10-шохобча | ИР-275 |
| 1659 | 5 000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | "Бахт" минибанки | ИР-22 |
| 1660 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 015-шохобча | ИР-17 |
| 1661 | 5 000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-314 |
| 1662 | 5 000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 028-шохобча | ИР-210 |
| 1663 | 5 000 | Андижон вилояти | Қуйиганёр филиали | 030-шохобча | ИР-142 |
| 1664 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 03-шохобча | ИР-45 |
| 1665 | 5 000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 025-шохобча | ИР-23 |
| 1666 | 5 000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 05-шохобча | ИР-46 |
| 1667 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | ИР-186 |
| 1668 | 5 000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-210 |
| 1669 | 5 000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 031-шохобча | ИР-563 |
| 1670 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-сайёр касса | ИР-258 |
| 1671 | 5 000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 044-шохобча | ИР-2 |
| 1672 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | Амалиёт бўлими | ИР-8 |
| 1673 | 5 000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-89 |
| 1674 | 5 000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | Амалиёт бўлими | ИР-60 |
| 1675 | 5 000 | Андижон вилояти | Қуйиганёр филиали | 058-шохобча | ИР-12 |
| 1676 | 5 000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-17 |
| 1677 | 5 000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 021-шохобча | ИР-39 |
| 1678 | 5 000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-1568 |
| 1679 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 08-шохобча | ИР-23 |
| 1680 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2 |
| 1681 | 5 000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | ИР-157 |
| 1682 | 5 000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 01-шохобча | ИР-1279 |
| 1683 | 5 000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-сайёр касса | ИР-22 |
| 1684 | 5 000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | "Деҳқонобод" минибанки | ИР-160 |
| 1685 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 08-шохобча | ИР-43 |
| 1686 | 5 000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 03-шохобча | ИР-3 |
| 1687 | 5 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-1081 |
| 1688 | 5 000 | Андижон вилояти | Булоқбоши филиали | 01-сайёр касса | ИР-14 |
| 1689 | 5 000 | Навоий вилояти | Нурота филиали | Амалиёт бўлими | ИР-9 |
| 1690 | 5 000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 012-шохобча | ИР-20 |
| 1691 | 5 000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-1343 |
| 1692 | 5 000 | Сирдарё вилояти | Оқолтин филиали | 02-шохобча | ИР-77 |

*** Изоҳ: шунингдек, «Ижтимоий-рағбат» омонати бўйича 1858 та 1000 сўмлик ютуқлар ўйналиб, омонатчилар ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.**

**Ҳайъат раиси — Андижон шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси Н. АКБАРОВ**
**Масъул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари М. САИДОВ**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Вертолёт ҳалокати

***"АҚШнинг Колорадо штати тоғли ҳудудида ҳарбий вертолёт ҳалокатга учради", дея хабар тарқатди "Associated Press" ахборот агентлиги.***

Аниқ далилларга кўра, вертолёт машғулот ўтказилаётган вақтда фожиага йўлиққан. Натижада унинг тўрт кишилик экипаж аъзосидан икки нафари ҳалок бўлган. Тан жароҳати олган бир ҳарбий касалхонага жойлаштирилди. Яна бир нафар экипаж аъзоси эса бедарак йўқолган.

Манбада ҳалокат сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ.

## Хунрезлик оқибати

***Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида бир қатор террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди.***



Мамлакат ички ишлар вазирлиги томонидан маълум қилинишича, бу ерда бир кунда олтита кучли портлаш содир этилган. Хунрезликлар мамлакат парламенти биноси яқинида, бир қатор давлат аҳамиятига молик идора ва чет эл элчихоналари бинолари атрофида уюштирилган. Натижада юзга яқин одам ҳалок бўлиб, 500 нафардан ортиқ одам тан жароҳати олган.

Воқеага муносабат билдирган парламент вакилларидан бирининг айтишича, мазкур қабиҳликлар ортида бу ерда жойлашиб олган жангарилар гуруҳи турибди. Уларнинг мақсади эса яқинлашиб келаётган сайловларни йўққа чиқаришдир.

## Истеъмолчига ҳам маъқул

***Қувайт нефть вазири Аҳмад ал-Абдулла ас-Сабоҳнинг таъкидлашича, жаҳон бозоридаги нефть нархи айни пайтда энг мақбул кўрсаткичда экан.***

"Қора олтин" қиймати 70-80 АҚШ доллари атрофида бўлса, бу нафақат мазкур маҳсулотни етказиб берувчиларга, балки истеъмолчилар учун ҳам мақбул нарх ҳисобланади. Аммо яқин фурсатда нефтга бўлган талабнинг ошиши кузатилиши мумкин. Мазкур ҳолат эса унинг нархи кўтарилишига олиб келиши тахмин қилинмоқда.

Шу боис жорий йилнинг сентябрь ойида Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (ОПЕК) ташкилотининг бўлиб ўтадиган навбатдаги учрашувида "қора олтин" бозоридаги вазият атрофлича муҳокама қилинади.

## Террорчилар қўлга олинди

***Испанияда бир қатор қўпорувчилик ҳаракатларини содир этиб келган "ЭТА" айирмачилар гуруҳининг уч нафар аъзоси Франциянинг Савойя департаментида ҳибсга олинган.***



Маҳаллий полиция томонидан маълум қилинишича, Альберто Мачайна, Айцоля Эцабуру ва Андони Сарасоли исмли бу жиноятчиларни қўлга олиш вақтида уларнинг ёнидан ўқотар қуроллар, қалбаки паспортлар ва бошқа ҳужжатлар топилган.

Испания ташқи ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, бу уч жиноятчи "ЭТА"ни қурол-яроғ ва портловчи қурилмалар билан таъминлаб келган. Улар сафидаги Альберто Мачайна эса жорий йилнинг 30 июль куни Майорка шаҳрида амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракати ташкилотчиларидан бири сифатида гумон қилинмоқда.

## Тадқиқот хулосаси

***Инсониятнинг атроф-муҳитга таъсири, биз ўйлагандек, XIX аср охирларида эмас, балки олдинроқ бошланган экан.***

Масалан, ис газлари билан теваракни ифлослантириш бундан қарийб 10 минг йил муқаддам, яъни неолит (янги тош асри) даври охирларида пайдо бўла бошлаган.

"Одамзод дунёга келибдики, — дея ёзади "Quaternary Science Reviews" нашри, — ҳар доим яхши яшашга интилган, унумдор ерларни ўзлаштирган. Бу мақсадлар йўлида катта-катта ўрмонзорлар йўқ қилинган. Юзага келган ёнғинлар оқибатида атмосферага турли газлар чиқиши кузатилган".

Қисқаси, инсоният оловдан фойдаланишни ўзлаштиргандан бошлаб атмосфера ҳавосини заҳарламоқда. XIX асрга келиб эса, саноатнинг тараққий этиши бу эврилишни янада кучайтириб юборди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

«Асакабанк»:

# БАНК САРМОЯСИ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА

ASAKA BANK

***Жамиятда макроиқтисодий мезонларнинг барқарорлашувида банкларнинг аҳамияти беқиёс. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш, инфляция суръатини пасайтириш, хусусан, миллий валютамиз қадрини кўтариш — ҳаммаҳаммасида мазкур молиявий муассасаларнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимиз банкларида, жумладан, уларнинг Самарқанд вилоятидаги бўлимларида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.***



Хусусан, бу борада ДАТ "Асака" банки (ОАЖ) Самарқанд вилояти филиалининг фаолияти эътиборга сазовор. Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолига молиявий мадад бериш бўйича самарали иш олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган етти ойида "Асакабанк" кўмагида аҳоли бандлигини ва унинг даромадларини ошириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Асосийси, бу ерда кейинги пайтда кўплаб янги иш ўринлари яратилганидир. Уларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш орқали амалга оширилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиришда банкнинг вилоят филиали ва унинг жойлардаги минибанкларининг ҳиссалари катта бўлди.

— Етти ой давомида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 5900,6 миллион сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди, — дейди



филиал бошқарувчиси Сайфиддин Нурмуродов. — Уларнинг асосий қисми саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айланма маблағларни тўлдириш, савдо ва маиший хизмат соҳаларига йўналтирилди. Ана шу кредит маблағлари ҳисобига 251 та янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан бериладиган кредит маблағлари, асосан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё харид қилишга, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, турли хил минитехнологиялар, ихчам ускуналар сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилаяпти. Ажратилаётган кредитларнинг муддати эса ундан фойдаланиш мақсадига мос ҳолда белгиланаяпти.

## «Самарқанд LT»нинг янги иш ўринлари

Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд LT" Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонасида, асосан, нон, макарон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. "Асакабанк" мижози бўлган мазкур корхонада ишлаб чиқариш йил сайин ривожланиб, иш ўринлари сони ошмоқда. Ўтган йили бу ерда янги цехнинг очилиши туфайли 50 та иш ўрни яратилган эди. Бу йил ҳам ишловчилар сони шунчага ошди. Хитойдан ун тегирмони сотиб олингач, уларни қадоқлайдиган қоплар тайёрлаш цехи ташкил қилиниб, 50 нафар ишчи таклиф этилди.

Корхонанинг эришаётган муваффақиятларида "Асакабанк"нинг ҳиссаси катта. Негаки, банк мижозни доимий равишда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяпти. Масалан, яқинда банк томонидан мазкур корхона учун Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 150 миллион сўм кредит ажратилди.

— Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда банк кредитлари локомотив вазифасини бажаряпти, — дейди корхона раҳбари Фариддун Ҳамроқулов. — Бугунга келиб биргина макароннинг 15 турини ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулотларимизнинг сифатлилиги, энг аввало, дастгоҳларнинг замонавийлиги билан боғлиқ. Бунга эса "Асакабанк" ёрдамида ана шундай имкониятларга эга бўлаяпмиз.

## Кредит — кўмак дегани

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ютуқлар салмоғи ошиб боряпти. Етти ойда вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан техника ва чорва моллари сотиб олиш мақсадида 318,5 миллион сўм кредит ажратилганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, "Лочин" ва "Ойтўра она" фермер хўжа-

**Молия муассасаларида**

ликларига Германияда ишлаб чиқарилган "Класс Доминатор-130" русумли ғалла ўриш комбайнлари имтиёзли кредит ҳисобига олиб берилди. Мазкур фермер хўжаликлари раҳбарлари банк кўмагида олинган ушбу комбайнлар бу йилги ғалла ўримида ниҳоятда асқотганини, етиштирилган ҳосил улар ёрдамида тезроқ йиғиштириб олиниб, давлатга дон сотиш буюртмаси ортиғи билан уддаланганлигини мамнун бўлиб гапиришди. Ёки шу йилнинг ўзида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида "Чўпон ота парранда" масъулияти чекланган жамиятига 309 миллион сўм, "Лоик парранда" масъулияти чекланган жамиятига 20 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Вилоятда аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўтган етти ой мобайнида тадбиркор аёлларга барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 370,4 миллион сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ана шу маблағлар туфайли 50 нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди.

## Ёш оилаларга мададкор

Ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш, дастлабки фаолиятини ташкил қилиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, имтиёзли равишда қорамоллар олиб бериш каби юмушлар банкнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Айниқса, ёш оилаларга микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилиши уларнинг хусусий тадбиркорликни ташкил этишида, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиши, уй хўжалигини йўлга қўйиши, мебель ва бошқа узоқ муддатга фойдаланиладиган уй жиҳозларига эгалик қилишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ўтган вақт давомида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 406 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

## Омонатнинг афзалликлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб этишни рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлди.

— Ҳозирги кунда банкимиз томонидан аҳолига миллий ва хорижий валютада 40 турдаги омонатлар таклиф этилаяпти, — дейди филиал бошқарувчиси. — Улардан манфаатли ва жозибадор бўлган 7 ой муддатга йиллик 26 фоизли "Баҳорги", 6 ой муддатга йиллик 26 фоизли, 4 ойлик бонуси билан 30 фоизли "Мақсад", 1 ой муддатга йиллик 28 фоизли "Бойчечак" омонатларини айтиб ўтиш мумкин. Хорижий валютадаги омонатларнинг ҳам муддати турлича бўлиб, уларнинг ҳам фоизлари юқори.

Банкнинг Самарқанд вилояти филиалида юқоридаги қарор ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Филиалда ва минибанкларда алоҳида омонатчилар бурчаклари ташкил қилинган. Уларда мижозлар ва фуқаролар омонатлар бўйича ўзларига керакли барча маълумотларга эга бўлишади. Бу эса банк билан ҳамкорликни йўлга қўйишга интилаётган мижозлар сонининг ошишига хизмат қилаяпти.

Банкнинг вилоят филиалида омонатлар қолдиғи 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, 3450,4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилнинг 1 августида бу кўрсаткич 4806,7 миллион сўмга етди. Ушбу кўрсаткичнинг етти ой мобайнида 1356,3 миллион сўмга ўсганлиги аҳоли даромадларининг кўпайиб, уларнинг банкка бўлган ишончи ошаётганидан далолат беради.

## Пластик ҳамён — қулай тўлов воситаси

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2004 йил 24 сентябрдаги ва мамлакат Президентининг "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2006 йил 3 августдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Банк сўм пластик карточкалари 2008 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, 10932 тани ташкил этган эди. 2009 йилнинг 1 июнида эса улар сони 22249 тага етди. Кўриниб турибдики, пластик карточкаларда ҳисоб-китоб қилувчи мижозлар сони бир йилда икки баравардан кўпроқ ўсган.

Айтиш мумкинки, аҳоли ўртасида халқаро пластик карточкаларга ҳам қизиқиш тобора ошиб бораётир. Ҳозирги кунда филиалда "Master Card" ва "Maestro" чет эл валютасидаги халқаро пластик карточкалар мижозларга хизмат кўрсатаяпти.

Хориж валютасидаги халқаро пластик карточкалар сони 2008 йил 1 май ҳолатига кўра, 209 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилнинг 1 июнига келиб, улар сони 6351 тага етди.

Айни пайтда банк филиали томонидан шаҳарларда, туман марказларида, ҳатто, қишлоқларда ҳам терминаллар тармоғини кенгайтириш борасида изчил фаолият олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг 1 майигача савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўрнатилган терминаллар сони 76 та эди. Ҳозирга келиб эса улар 123 тани ташкил этаяпти.

Савдо ва сервис корхоналарига ўрнатилган терминаллар орқали ўтган йилнинг тўрт ойида 3523,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки беш ойида мазкур кўрсаткич 4272,1 миллион сўмга етди.

Хуллас, банкларнинг хизмат кўрсатиш даражаси йил сайин ошиб бориши натижасида аҳолининг банкларга бўлган ишончи кучаётгани мамлакатимизда ривожланиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида дадил қадамлар ташланаётганидан яна бир далолатдир.

***Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***



**Ботаника боғига йилнинг қай фаслида борманг, унинг мафтункор кўринишию табиат мўъжизаларидан олам-олам завқ туясиз. Бағрида дунёнинг барча минтақалари ўсимлик намуналари жо бўлган ушбу масканда доимо уйғониш, яшариш жараёни намоён. Бу ерда ҳатто, қишнинг қаҳратон совуғини енгиб, дарахт гуллайди ёки у кузакда яшил либосга бурканади. Шу маънода, уни «Фасллар чорраҳасидаги боғ», дея таъриф этгинг келади.**

# Фасллар чорраҳасидаги боғ

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Ботаника" ИИЧМга қарашли академик Ф. Н. Русанов номидаги Ботаника боғи — мамлакатимиздаги ўхшаши йўқ масканлардан бири. Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик туфайли кейинги йилларда боғ ҳар томонлама кўркамлашиб боряпти. Мустақиллик йиллари бу масканда янги лаборатория ва маъмурий бино қурилгани, энг ноёб ўсимликлар питомниги, доривор ўсимликлар экиладиган майдонлар ташкил этилгани сўзимиз тасдиғидир. Пировардида, боғ ўсимлик оламининг чинакам музейига айланиб бораётир.

Таъкидлаш керакки, мазкур маскан Жаҳон ботаника боғлари ассоциацияси томонидан ўсимликларнинг географик жойлаштирилиши бўйича етакчи боғлардан бири сифатида эътироф этилган. Чиндан ҳам, 66 гектар майдонни эгаллаган боғнинг ўсимлик дунёси ғоятда ранг-баранг. Бу ерда Марказий Осиё, Европа, Шимолий Америка, Хитой, Япония ҳамда Узоқ Шарқ табиатига хос бўлган 4500 турдаги ноёб ўсимликлар коллекцияси мавжуд. Уларнинг 300 дан зиёди "Қизил китоб"га киритилган камёб турлар эканлиги диққатга сазовордир.

**Жараён**

Ботаника боғида айни пайтда 5 та илмий лаборатория, уруғчилик ва уруғшунослик бўлими, шунингдек, ихтисослаштирилган участкалар фаолият кўрсатаяпти. Соҳа мутахассислари олиб бораётган изланишлари, илмий тажрибалари мамлакатимиз ўсимлик оламининг тобора бойишида муҳим омил бўлаётир. Негаки, четдан келтирилган ўсимликлар дастлаб ушбу боғда ўстирилиб, иқлимлаштирилади-да, сўнгра бошқа ҳудудларда парваришлашга тавсия этилади.

Айтайлик, тропик ва субтропик ўлкалардан келтирилган уруғлар боғнинг иссиқхона ҳамда махсус жойларида тадқиқ қилиниб, тажрибадан ўтказилади. Ҳозирда бу ерда 800 дан ортиқ ўсимлик навлари парваришланмоқда. Улар орасидан халедория, кокулос, драцена, фатсия каби бир нечта тропик ўсимликлар истиқболли деб топилди. Улар қишки боғлар ташкил этишда, даҳлиз, эшик атрофларини анвойи гиёҳлар билан безашда кенг қўлланилмоқда.

Боғ маъмуриятининг айтишича, кўчириб ўтказилган ўсимликлар ичида боғу хиёбонларимизнинг кўркига кўрк қўшиб турган "лола дарахти", ленкоран акацияси, пирамидасимон эман, шапалоқ баргли жўка, хитой тераги каби манзарали дарахтларнинг 230 дан ортиқ нави бор. Шунингдек, боғда Ўрта Осиё набототига мансуб реликт ва "Қизил китоб"га киритилган турлари ҳамда истиқболли, иқтисодий жиҳатдан фойдали доривор ўсимликлар кўпайтирилмоқда.

Ботаника боғи 200 дан зиёд турли илмий ташкилотлар ва ботаника боғлари билан доимий алоқа ўрнатгани, бу ерда ҳар йили кўплаб ноанъанавий ўсимлик намуналари айирбошланиб, муттасил тадқиқот ишлари олиб борилаётгани туфайли ана шундай самарали натижаларга эришилмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ.**



**Мўъжиза**

**Сангардакдарёни мамлакатимизда ким билмайди, дейсиз. Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий ён бағридан бошланадиган бу азим дарёнинг узунлиги 114 километр бўлиб, ҳавзаси 948 квадрат километрни ташкил этади. 2286 метр баландликдан бошланадиган дарё шуҳратини Сангардак шаршараси янада машҳур қилди.**

## «Жавзо суви»

Бугунги кунда пурвиқор тоғлар бағридан тушаётган ушбу шаршарани томоша қилиш учун келаётганларнинг қадами узилмайди. Баландликдан отилиб тушаётган биллурдек сув зарралари кўнгилдаги ғуборларни олиб кетади, унинг хуш ёқувчи овози тўлиққан дилларни тинчлантиради. Шу тобда ўзингни руҳан тетик ҳис эта бошлайсан. Эҳтимол, шудир табиатнинг қудрати, саховати.

Аслида, Сангардакдарё ўзани табиатнинг мўъжизаларига кондир. Уни фақат илғай олиш керак, холос. Шаршарага, айниқса, жавзо ойида келувчиларнинг сони кўпаяди. Негаки, табиат шайдолари шу ойда унга туташ жойда яна бир булоқ сувидан баҳраманд бўлишни истайдилар.

Гап шундаки, маҳаллий аҳоли "Жавзо суви" деб атайдиган ушбу булоқ йилнинг бир пайтида, яъни фақат жавзо ойида юзага чиқади. Кучли босим билан отилиб чиққан обиҳаёт чамаси 40 кунлар мобайнида тўхтовсиз оқиб туради.



**Кўчат экиб, ўрмонзорларни кенгайтириш ғоят савобли амаллардан саналади. Шу боис халқимизда азалдан боғ яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинади.**

## Дарахтлар — офатга қалқон

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, дарахтлар атмосферани соф ҳаво билан таъминлаб, турли кўринишдаги табиий офатларнинг олдини олишда қалқон вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, дов-дарахтлар тупроқ намлигини сақлашда, қишлоқ хўжалиги экинларини кучли тўфон ва бошқа кўринишдаги табиий офатлардан ҳимоялашда асосий роль ўйнайди. Чунки дарахтзорлар шиддат билан оқаётган сел оқимини секинлаштириш, ёпирилиб келаётган қум барханлари тўфонини маълум муддат тўхтатиб қолиш хусусиятига ҳам эга. Бунга иш юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари билан республикамизнинг турли вилоятларида хизмат сафарида юрганимизда гувоҳ бўлганмиз. Кузатувларга қараганда, дарахт кўп экилган ҳудудларда ер ва қор кўчкиси ҳадеганда рўй беравермайди. Ҳолбуки, дарахтларнинг чайир илдизлари тупроқ кўчкисини тутиб турса, уларнинг бақувват танаси эса қор силжишига йўл қўймайди.

**Эҳтиёт шарт**

Бундан тўрт-беш йилча илгари май ойида «Самарқанд — Китоб» автомобиль йўлининг 52-километрида юз берган ўртача ҳажмдаги (7200 куб. метр) ер кўчиши ҳодисаси автомобиллар ҳаракатланаётган қатнов йўлни тўсиб, унинг четида турган 15 та ҳимоя тўсиқ (бордюр)ни пастлик томон суриб юборган эди. Ҳайриятки, "Тахтиқорача" довонининг ўрта қисмида юз берган табиий офат чоғида бирор пиёда ёки йўловчи машина бу йўлдан тасодифан ўтиб қолмаган. Воқеа жойини кузатганимизда, бу ҳолат қирнинг дарахт бўлмаган қисмида юзага келган экан.

Дарахтларнинг яна бир ажойиб хусусияти шундаки, томирлари орқали ер қобиғидан сувни ўзига тортиб олиб, тупроқ эрозиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай экан, ўрмонзорларимиз қанчалик кенгайиб, дарахтзор ва бутазорлар қуюқлашиб, қалинлашиб бораверса, атмосферамиз шунчалик мусаффолашиб, табиий кўринишдаги турли офатлар сони ҳам тобора қисқараверади.

**Азамат СУЮНОВ.**





**Чўл ўрмончилиги**

***Сувсиз чўлда ўсаётган бу ғаройиб дарахтни кўрган киши, албатта, ҳайратга тушади. Биров уни "чўл маликаси", деб таърифлайди, бошқаси эса "чўл дарғаси", дея улуғлайди.***

***Миришкор чўлларида қўй боқиш билан умрини ўтказган чўпон Чўлмурод Бернаев билан кўп суҳбатлашганман. Унинг сувсиз дашт, саксовул ҳақидаги ҳикояларида ўзгача завқ бор, меҳр бор.***

## Саксовулнинг соясида сояладим

Аслида, Помуқдан Денгизкўлгача ястанган юзлаб километрлик яйлов сувсиз чўл, чўпон фақат саксовулнинг соясидан баҳра олади, Қоракўл қўйлари шу чўл гиёҳларидан ўзига озиқ, саратоннинг жазирамасида саксовулдан соя топади. Шунинг учун ҳам чўпон чўл салтанатининг гултожи бўлган саксовул тимсолида бута ёки дарахтни эмас, ўзи учун яйдоқ чўлда доимий ҳамроҳни кўради.

Саксовул табиий равишда ўсадиган ёввойи ўсимлик, лекин унинг ҳам ишқибозлари бор. Кимдир ўтин учун, кимдир ҳавас учун саксовулни нобуд қилади. Бундай зўравонлик оқибатида табиатнинг мувозанати бузилади. Қарши чўлини ўзлаштириш жараёнида қумли саҳро билан яшил воҳа ўртасида иҳота яратиш мақсадида Миришкор туманида 45 минг гектар майдонга саксовул уруғи сепилган эди. Афсуски, кейинги вақтларда унинг 10 минг гектарида уруғдан асар ҳам қолмади. Инсон қўли билан яратилган бу саксовулзорларнинг қисқаришига ҳам ўзимиз сабабчи бўлдик.

Қум кўчишининг олдини олиш, чўлдан эсадиган гармсел тафтини камайтириш учун иҳота саксовулзорларини кўпайтиришдан бошқа чора йўқ. Буни вилоят ўрмон хўжалиги ходимлари яхши англаб, саксовулзорларни кенгайтиришга киришишди. Ҳар йили чўл ҳудудидаги 1300 гектар майдонда маданий саксовулзор яратилаяпти. Қашқадарё марказий ўрмон хўжалигининг Баҳористон бўлими чўлнинг қоқ ўртасида жойлашган. Унинг ходимлари саксовулзор ўрмонлар майдонини кенгайтиришни ўзларининг табиат олдидаги бурчи, деб билишмоқда.

Нишон, Миришкор ва Муборак чўлларида бу йил ёғингарчилик кўп бўлди. Шу боис ўт-ўланлар мўл. Табиатнинг бу неъматидан саксовуллар ҳам бебаҳра қолмади. Саксовул сувсизликка чидамли, шу билан бирга, сувга тўйса, алоҳида чирой очади. Бугун бағрикенг чўлнинг бепоён яйловларини кезиб юрган чўпонлар, ер ости бойликларини қидираётган хазинатопар геологлар, нефть ва газ қазиб чиқараётган кончилар саксовулзорлар кенгаяётганини кўриб туришибди. Табиатнинг мувозанати тикланганига нима етсин!

**Бўри НОРҚОБИЛОВ.**

**«Қизил китоб» саҳифаларидан**

**Бу жониворлар мамлакатимизнинг Устюрт кенгликларида тарқалганлиги боис уни "Устюрт қўйи" деб ҳам аташади. Бугунги кунда ёввойи қўйларни, асосан, чўлнинг жануби, аникроғи, Қозоқли-Қоплонқир қисмидаги ботиқлар жарликларида учратиш мумкин.**



## Арқал

Одатда, арқаллар пода бўлиб яшайди. Узоқ бўлмаган масофаларга мавсумий кўчиб юради. Март-апрель ойларида қўзилайди.

Манбаларда келтирилишича, илгари Устюрт қўйлари жуда кенг тарқалган. Айтайлик, 1970 йилда ҳар 100 километрда арқалларнинг 240 бошли подасига дуч келиш мумкин эди. Эътиборлиси, ҳар подада 90 тагача қўзи бўлган.

Кейинги йилларда ёввойи қўйларнинг кескин камайиб бораётгани, ҳатто, бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида тургани кишини ташвишга солади.

Мутахассислар бунга асосий сабаб қилиб, арқаллар яшайдиган жойларнинг ўзлаштирилиши ва браконьерликнинг авж олганини кўрсатишмоқда. Агар уларнинг ҳимоясига эътибор янада кучайтирилмаса, табиатнинг ноёб тури яна биттага камайиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирги пайтда арқаллар давлатимиз томонидан алоҳида муҳофаза остига олинган. У Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига киритилган бўлиб, ов қилиш тақиқланган. Мазкур кенжа турни дунё ҳайвонот боғларида кўпайтиришга киришилгани умид учқунларини ёлқинлантиради.

**Наботот ажойиботлари**

**Маълумотларга қараганда, дунёдаги энг йўғон каштан дарахти Италиянинг Сицилия оролида ўсади.**

### *Азамат каштан*

Бу дарахтни бир вақтлар яшин уриб, "майиб" қилганига қарамасдан, у ҳамон ўзининг улканлигини сақлаб турибди. Айни пайтда унинг тана айланаси 51 метрни ташкил этади.

### *Ғалати эвкалипт*

**Тропик минтақаларда ўсувчи эвкалипт баҳайбатлиги билан ажралиб туради.**

Унинг бўйи 150 метрдан ҳам ошиши мумкин. Қизиғи шундаки, эвкалиптнинг қўнғироқсимон барглари қуёш нурини кесиб турадн, натижада у соя ташламайди. Табиатнинг бу амали дарахтни қизиб кетишдан сақлайди. Унинг яна бир ғалати жиҳати, ўхтин-ўхтин қарсак овозини бериб туришидир. Мутахассислар буни тез ўсувчи дарахт пўстлоқларининг тасма-тасма бўлиб узилиши билан изоҳлайдилар.

**Маннон НАБИЕВ тўплади.**



**Қадимдан халқимиз рўзғорини безаган неъматлардан бири — анзур пиёз ўзига хос таъми, хушхўрлиги, қолаверса, шифобахшлиги билан тилларда достон бўлган, десак муболаға эмас.**

## Анзур пиёз

**Билиб қўйган яхши**

Халқ табобати амалиётида унинг пиёзбоши сирқаланган ҳолда қон қусишни қолдиришда, ўпка силининг бошланғич босқичларида, шунингдек, юқори нафас йўли яллиғланишида қўлланиладиган табиий восита ҳисобланади. Анзур пиёзининг тузлангани овқат ҳазмини енгиллаштиради. Бундан ташқари, пиёзбоши ошга босилса, димоғни очади, таомнинг тез сингишига хизмат қилади. Агарда ундан қўй ёғида қовуриб истеъмол қилинса, зиққинафас хасталигининг томирини қирқади.

Анзур пиёз тарқалган макони — Помир-Олой ва ғарбий Тянь-Шань ёнбағирларида йилдан-йилга камайиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Мазкур кўп йиллик ўсимликнинг бўйи 60-250 см.гача боради. Пиёзи кунгурасимон, айланаси 6 см.га етади.

Айтиш лозимки, мамлакатимизнинг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги майда зарра тупроқли, тошли, баъзан майда шағалли ерларда, эски боғларда, ташландиқ ерларда анзур пиёзни учратиш мумкин. У ўз уруғларидан ҳамда пиёзидан кўпаяди.

**Доно ХЎЖАЕВА.**



## ОБ-ҲАВО

**(21 август)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**





**Ҳайвонлар орасида энг тез югурадигани гепард ҳисобланаркан. У 650 метр масофани 20 сонияда, соатига ўртача 120 километр тезлик билан босиб ўтиши мумкин.**

Бу кўрсаткич билан у учқур пойга машинасига тенглаша олади. Бироқ бундай ҳаракатланиш учун катта энергия сарфланиши туфайли гепард узоқ масофага югуриш борасида бошқа ҳайвонларга имкониятни бой бериб қўяди.

## «Чемпион» жониворлар



**Африка антилопалари ҳам узунликка, ҳам баландликка сакрашнинг устаси экан. Улар бир вақтнинг ўзида 2,5 метр баландликка, 7,5 метр узунликка сакрай олади.**

Йиртқичлар орасида пумалар ҳам баландликка сакраш борасида яхши кўрсаткичга эга. Уларнинг тўрт метргача баландликка сакрай олиши кузатилган. Дельфин-афалиналар эса бу борада "жаҳон чемпионлари" ҳисобланади. Улар олти метргача баландликни ортиқча қийинчиликсиз забт эта оладилар.

***Энг узун илон деб анаконда қайд этилган.***

Илмий манбаларда унинг тана узунлиги 8 метргача етиши мумкинлиги таъкидланган. Бироқ Жанубий Америкада бу турдаги илоннинг 14 метрлиги мавжудлиги айтилмоқда.



**Узунликка сакраш борасида қўшоёқ олдинги ўринларда туради.**

Бу митти жонивор тўрт метрга сакрай олади. Кенгурулар эса бу борада озгина қўшоёққа ён беради. Улар кўпи билан уч метрлик масофани забт эта оладилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.10 Топширилди — 00.25 1 2 3 5